O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 март, № 48 (4458) Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бугун гўзал диёримизга барчамиз орзиқиб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни – мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Кўҳна тарихимиз давомида айни шу баҳор фаслида табиат гўзаллигининг ажралмас қисми бўлган аёл зотини улуғлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром бажо келтириш эзгу ва кутлуғ бир анъанага айланиб, маънавий ҳаётимиздан чуқур жой олган, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биз аёл тимсолида, аввало, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш муқаддас она сиймосини кўрамиз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган бу улуғ зотнинг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиз.

Ер юзида не-не улуғ шоир ва мутафаккирлар аёлнинг чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофати, вафодорлиги ва фидойилигини тараннум этиб, қанчадан-қанча шеъру достонлар, таърифу тавсифлар битган бўлмасин — менинг бунга имоним комил — уларнинг барчаси бизнинг аёлларимизга мансуб ва муносиб, деб айтсам, ўйлайманки, юртимизда яшаётган, ўзини мард деб биладиган ҳар қайси инсон бу фикрга сўзсиз қўшилади.

Биз бугун ўзбек аёли ҳақида гапирганда, албатта, буюк бобомиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий куйлаган бетакрор фазилатлар соҳибасини ўзимизга тасаввур қиламиз. Шу билан бирга, бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб — бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик бўладими – мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғурур ва мамнуният билан таъкидлаймиз.

Биз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бугун ўзининг ҳосилини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Юртимизда 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганимиз ўз ҳаётининг маъно-мазмунини фарзандининг бахту камолини кўришда деб биладиган ота-оналарнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир улкан қадам бўлди, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Шу мақсадда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни туғдириб бериш, рўзғорини бутлаш учун маблағ ва кредитлар ажратиш бўйича қилаётган амалий ишларимиз барчангизга яхши маълум. Айниқса, ҳар қайси келин-куёвнинг эзгу орзуси бўлган соғлом зурриётни дунёга келтириш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук фарзандларни вояга етказиш учун ҳаётий имкониятларни яратиб беришга қаратилган дастур ва режаларимиз нафақат ёш оилаларнинг бахтли бўлиши, балки бутун жамиятимизнинг равнақ топишига, дунё аҳли ҳавас қиладиган янги, баркамол авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилади, деб қабул қилишимиз зарур.

Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг гарови бўлмиш бундай ўта муҳим масалага айни шу кўз билан қараш шу заминда яшаётган ҳар қайси фуқаромизнинг қалби ва онгидан теран жой олишини истардим.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз халқаро демократик ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйган эканмиз, аҳолимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини янада кенгайтириш, бу йўлда тўсиқ бўлиб турган, эскидан қолган қолдиқ ва асоратлардан бутунлай воз кечиш, замон талаблари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаш муҳим аҳамият касб этишини яхши англаб олишимиз лозим.

Шу борада аёлларимизга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлида олиб бораётган ишларимизни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтириш, уларнинг қобилият ва истеъдодини тўла рўёбга чиқариш, жамиятимиздаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш — бундай вазифалар фақатгина сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни миннатдорлик билан, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз бошқаларга нисбатан ҳаётнинг оғир-енгили, аччиқ-чучугини чуқур англаши, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотмасдан, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшаши, уларнинг ҳаётга, меҳр-оқибат ва яхшиликка бўлган сўнмас ишончи, ҳақиқатан ҳам оила устуни эканини амалда тасдиқлаб келаётгани мени доимо ҳайратда қолдиради ва аёл зоти олдида таъзим қилишга ундайди.

Бугун, ҳар куни янги-янги ташвиш ва муаммоларни ечишга тўғри келаётган шиддатли замонда аёлларимизни кўпроқ қадрлаш, қаерда ишлашимиз, қайси ёшда бўлишимиздан қатъи назар, ўз умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимизга, бир сўз билан айтганда, биз учун севимли ва ардоқли бўлган инсонларга самимий муносабатимизни чин дилдан намоён этиш — бу албатта, умримизнинг маъно-мазмунини янада бойитиш, уни хушнуд этишга хизмат қилган бўлур эди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Муҳтарама ва азиз опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умрингиз узун, толеингиз баланд, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудратини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган масъулиятли жараёнда хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.***

Юртимизнинг барча ҳудудларида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

7 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётган илғор хотин-қизлар, мунис онахонлар таклиф этилди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш алоҳида ўрин ва аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ҳажми ва кўлами янада кенгайди.

Хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари доимий эътиборда. Юртимизда қад ростлаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавий-маърифий муассасалар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтидорли қизларни кашф этиш, рағбатлантириш, уларнинг келгусидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўплаб истеъдод соҳибаларининг камолоти йўлида қанот бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, иқтидорли қизларни аниқлаш, юртимизнинг изланувчан, ташаббускор ёшлари қаторида уларнинг ҳам ҳаётий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга ана шу мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов хотин-қизларни байрам билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Мирobod тумани халқ таълими бўлими мудири Озода Парпибоева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Несибели Мамбетризаева, Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи 11-синф ўқувчиси Юлдуз Файзий мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта байрам дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов жорий йилнинг 10-11 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокара якунлари бўйича икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

▼ Давлат ташрифи арафасида

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

***Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи муштарак. Тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ўхшаш. Азалдан халқларимиз ўртасида қариндошлик ришталари қарор топган. Қадриятларимиз умумий. Навоий асарлари кириб бормаган туркман хонадонини, Махтумқулини ўқимаган ўзбекни топиш қийин. Биз бир дарёдан сув ичамиз.***

Мамлакатларимиз ўртасида 1993 йил январда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Бир неча бор Ўзбекистон — Туркманистон саммити ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, 1996 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги ҳамда 2004 йилда қабул қилинган Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномаларда икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркманистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ашхободдаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон — Туркманистон алоқаларига доир барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, истиқбол режалари белгилаб олинди. Муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида***



***Кеча парламентнинг қуйи палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.***

## МАҚСАДЛИ ХАРАЖАТ – ҚОНУН ТАЛАБИ

Йиғилишда таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси ўтган йил давомида муайян ишларни амалга оширди. Чунончи, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетининг 2006 йилдаги ижроси бўйича ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилган. Шунингдек, 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилди. Бюджет лойиҳасида Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадларининг тўлиқ шаклланиши ва харажатларнинг мақсадли сарфланиши, маҳаллий бюджетларда давлат дотацияси миқдорини камайтириш масалалари атрофлича ўрганилди.

Ҳисоб палатаси томонидан ўтган ҳисобот йили давомида 12 та йўналиш бўйича вазирликлар, идоралар ва корхоналарда 38 та текшириш ишлари олиб борилган. Жумладан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълими ва Пенсия жамғармалари маблағларининг тўлиқ шаклланиши ва самарали сарфланиши борасида назорат тадбирлари уюштирилди, қолаверса, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасининг шакллантирилиши, харажатларни оптималлаштириш ҳамда айрим туманларни дотациядан чиқариш бўйича Қашқадарё вилоятида кўрилган чора-тадбирлар натижалари юзасидан текширишлар олиб борилган.

Шу билан бир қаторда, ҳисоботда келтирилганидек, бу борада айрим камчиликлар ҳам кузатилган. Текширишлар даврида аниқланган аксарият молиявий хатолар, Давлат бюджетига етказилган зарарлар тикланди. Айбдорлар тегишли тартибда жазоланди. Бу каби камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида Ҳисоб палатаси томонидан берилган кўрсатмалар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Депутатлар томонидан вазирлик ва идораларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани, айрим хўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик даражаси юқорилигича қолаётгани қайд этилди. Шунингдек, тўлов интизомидаги муаммолар, Давлат божхона қўмитаси томонидан имтиёзлардан оқилона фойдаланиш, Давлат солиқ қўмитаси, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ўртасида номувофиқликларнинг ҳали ҳам мавжудлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ «Ташаббус-2008»

## Иқтидорлар салоҳияти намойиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий "Ташаббус-2008" кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи якунига кўра, Қўрғонтепа туманидаги "Ҳамкор водий нури" фермер хўжалиги раҳбари Мавлуда Умарова "Энг яхши фермер", Олтинкўл туманидаги "Мустақиллик-Ан" фирмаси етакчиси Нурилло Раҳматуллаев "Энг яхши тадбиркор" ва избосканлик уста Умидилло Ўтаганов "Энг яхши ҳунарманд" номинациялари бўйича ғолиб, деб топилдилар. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МАМЛАКАТ бўйлаб — Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Аҳоли бандлиги – турмуш фаровонлиги

Жорий йилда Навоий вилоятида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини 20,5 фоизга етказиш кўзда тутилган. Соҳани ривожлантириш ҳисобига 2525 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 83 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига, балки фуқаролар бандлиги ва даромадлари ошишига ҳам хизмат қилади.

Шу мақсадда вилоятда 2007-2010 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан 2008 йилда саноат соҳасида 153 та, қишлоқ хўжалигида 127 та, қурилишда 81 та ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида 942 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БАНКЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Бир рақам шарҳи



2007 йилда республикамизда тижорат банкларининг устав капитали қарийб 2 баробар ошди.

Ўтган йили ҳукуматимиз томонидан банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, биринчи навбатда, молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани туфайли шундай ижобий ўсишга эришилди.

## Тадбиркор аёллар учрашуви

***Нукусда 8 март байрамига бағишлаб илғор тадбиркор аёллар учрашуви ташкил этилди. Бугунги кунда Оролбўйида 18 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари иш олиб бораётган бўлса, унинг 45 фоизи хотин-қизлардан иборат.***

Айни пайтда тижорат банклари томонидан ишбилармонликни моддий қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Биргина ўтган йили 60 дан ортиқ тадбиркорлик лойиҳалари банклар томонидан молиялаштирилган бўлиб, унинг 70 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ривожига йўналтирилди.

Учрашув сўнгида тадбиркор аёллар ташкилотчи муассасалар томонидан байрам совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳ. АҲМЕДОВ.**

## ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Болажонлар – ширинтойлар" болалар модаси фестивали якунланди.

▼ Тадбир

Пойтахтимизда уч кун давом этган ва маҳорат, гўзаллик байрамига айланган ушбу фестиваль болалар модаси соҳасидаги янги йўналишларни очиб берди. Тадбир мобайнида мамлакатимизнинг етакчи дизайнерлари ўзларининг янги ишларини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар, ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.

Фестиваль кунлари либослар эскизларининг кўргазмаси (чизмалар танлови), болалар кийимларини лойиҳалаштириш ва тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференция, кичкинтойлар, ўсмирлар, ёшлар, бўлғуси оналар кийимлари модаларининг намойиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида юртимиз ҳамда хорижлик мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

**Жамиятда аёлнинг ўрни, эъзозланиши ҳақида гап кетганда, шуни қайд этиш керакки, бу қон-қонимизга сингиган, минг йиллик тарихимиздан ўтиб келаётган қадриятимиз. Азалдан ота-боболаримиз аёлга юксак эҳтиром, ҳурмат кўрсатиб, бу борада ибрат бўлишган. Зотан, мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, уларни жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасидаги ишлар замирида мана шу анъана мужассам.**

# МЕҲНАТИ УЛУҒ, ҲУРМАТИ ЮКСАК

Дарҳақиқат, Истиқлол аёлларимизга кенг кўламли имконият эшигини очди. Аввало, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари Конституциямизда мустаҳкам қарор топиб, жамиятнинг барча жабҳаларида эркин иштироки кафолатланди. Қолаверса, сўнгги йилларда аёлларни қўллаб-қувватлашга оид қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиндики, булар мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида ижобий аҳамият касб этмоқда.

**Кутлов**

Биргина мисол. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизи, Сенат аъзоларининг 15 фоизи аёллар эканлиги кишини қувонтиради. Бу кўрсаткичнинг МДҲ мамлакатлари орасида анча юқори эканлигини назарда тутадиган бўлсак, биз олиб бораётган сиёсатнинг нечоғли самарали эканлигини ҳис қиламиз. Чунончи, бугун саноатда 42 фоиз, қишлоқ хўжалигида ҳам шунча, фан-таълим ва маданият соҳасида меҳнат қилаётганларнинг 72,9 фоизи аёлларни ташкил этади. Эътиборли жиҳати, кейинги пайтларда тадбиркор, фермер аёллар сафи анча кенгайди. Масалан, айни пайтда 27 минг нафардан ошиқ аёллар тадбиркорлик билан, 17 минг нафардан ошиғи эса фермер сифатида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда жонбозлик кўрсатаётир. Буни Юртбошимиз ҳам ўз вақтида рағбатлантириб, руҳлантириб бораётир. Жумладан, ўтган йил Мустақиллик байрами шодиёналари арафасида "Хатича ая" фермер хўжалиги раиси Халча Мирзаеванинг Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани барчамизни қувонтирди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши эса, узоқ-узоқларда истиқомат қилаётган ёш қизларимизнинг ўз талантларини, иқтидору истеъдодларини намойиш этишга жуда катта омил бўлаяпти. Уларга умид ва интилиш сари куч бағишлаяпти.

Дарҳақиқат, ўзбек аёли, хоҳ у иқтисодиётда, хоҳ санъатда, хоҳ спортда бўлсин, Ўзбекистонни жаҳонга кўрсатиб, жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшаётир. Буларнинг барчаси, албатта, бежиз эмас. Оилада она, рафиқа, қиз, опа, сингил сифатида эъзоз кўрган аёл, жамиятда ўзига ишонч, кенг имкониятларни кашф этмоқда. Бинобарин, бу биз — аёллар меҳнати самарасига самара, кучига куч бағишлаши турган гап.

**Ҳамротош ШОДИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

# ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАРГА ҚАНОТ БЎЛИБ

***Юртимизда истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маърифий қадриятларни ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорига кўра Ватанимизнинг мазкур нуфузли мукофотига сазовор бўлган бир гуруҳ иқтидорли қизлар 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Зукко ва қобилиятли қизларга эътибор ва эътироф сифатида таъсис этилган ушбу мукофот, бир неча йилдирки, юртимизда етишиб чиқаётган ноёб истеъдод соҳибаларига топшириб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланган юз нафардан зиёд қиз фан, маданият, таълим, адабиёт, санъат каби йўналишларда билдирилган юксак ишончни оқламоқда.

Байрам арафасида совриндор қизлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, ўқитувчилар билан учрашдилар. Халқ таълими вазирининг ўринбосари У. Мусаев давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлоднинг камолоти, истиқболи, таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ўзининг ёрқин самараларини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бўлиб ўтган учрашувда мазкур жамоат ташкилоти раҳбари А. Алимов ёшларнинг билим олиши, ўз интилиши бўйича касб-ҳунар эгаллаши, уларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, жамиятимизнинг етакчи кучига айлантириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини қайд этди. Президентимиз томонидан 2008 йил 29 февралда «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам бўлиб ўтди. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда олий таълим тизими ҳам сифат ва мазмун жиҳатдан тобора такомиллашиб бораётгани, айни пайтда талабаларнинг билим олиши, қобилият ва истеъдодининг юзага чиқиши, маънавиятининг юксалиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлоднинг билим олиши, истеъдодини намоён этиши, жамиятимизда ўз муносиб ўрнини топиши учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз амалий ифодасини топмоқда, — дейди Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси, Зулфия мукофоти соҳибаси Несибели Мамбетризаева. — Бундай нуфузли мукофотга сазовор бўлиш мамлакатимиздаги барча қизларнинг орзуси. Бизга билдирилган мазкур юксак ишончни аъло ўқиш, тинимсиз изланиш, Ватанимиз равнақи йўлидаги фидойи меҳнатимиз билан оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Бундай учрашувлар юртимиздаги таълим даргоҳлари, кутубхоналар, маънавият ва маърифат масканларида ҳам бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Келишувларнинг амалий натижаси ўлароқ, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ашхобод саммитида ўзаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида шартномавий-ҳуқуқий пойдеворни янада такомиллаштиришга, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Президентларнинг Қўшма баёнотида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро ташкилотлар доирасида ҳам саъй-ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб боради. Терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Туркманистон пойтахтида ўтган олий даражадаги учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки томон ҳам катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни тўла ишга солиш учун Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссияси ишини фаоллаштиришга келишиб олдилар. Айниқса, ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, энергия манбаларининг транзити, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш каби соҳалар устувор аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида 2008-2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди. Унда ҳамкорликда маданий-гуманитар тадбирлар ташкил қилиш, миллий-маданий меросни тиклаш ва сақлаш борасида тегишли идораларнинг алоқаларини ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга асосан, илм-фан, маданият ва санъат, таълим, архив ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланади. Ижодкор ва тадқиқотчиларнинг мулоқотлари учун янги имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари қадимдан бир-бирининг тўй-ҳашамида, сайилу байрамида қатнашиб келган. Истиқлол йилларида ана шу анъанавий алоқаларни сақлаб қолиш учун чегарадан ўтиш тартибини белгиловчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу икки давлат фуқароларининг, транспорт воситаларининг ўтиб-қайтишини осонлаштириш билан бирга қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, эпидемияларга қарши биргаликда курашиш учун ҳам ҳуқуқий асос бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганига яна бир далил сифатида қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни келтириш жоиздир. Ўзбекистон ва Туркманистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Мамлакатларимизнинг бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро муносабатлар пухта ўйланган, келишилган ва мувофиқлаштирилган стратегия асосига қурилганидан далолат беради.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мода байрами доирасида ўтган дизайнерлар танловида иштирокчиларга "Битирув кечаси", "Бўлажак оналар", "Мактаб формаси", "Шаҳримиз кўчалари", "Миллий услуб", "Дадил қарор" каби йўналишларда ўз ижодий салоҳиятини на-

# ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

мойиш этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Фестивалда муваффақиятли қатнашган Сардор Жўрабоев, Наргиза Аҳмедова, Карена Шахназарова, Салима Шомансурова, Шаҳзода Насриддинова, Камола Камолова, Мадина Мухторова, Нозима Каримова, Нодира Рихсиева, Мастура Баҳодирова, Гулнора Рамазонова, Раҳматулла Шарипов, Лариса Белая, Дилдора Авезова, Саодат Рустамова, Севара Зуннунова, Зулфия Раҳматуллина, Элеонора Ризаева, Рушана Мўминова ва бошқа иштирокчилар дипломлар билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ОНАМСАН, СИНГЛИМСАН, ЁРИМСАН...

**ТАЪЗИМ**

***Кўзимни юмсам, сизни кўраман, она! Ўша эскигина ҳовлимиз. Қўлингизда челак. Қаердандир сув ташиб келаяпсиз. Мен эса сизни тимирскиланиб излаяпман. "Ҳа, болам, яхши ухлаб турдингми? Сенга қуймоқ пишириб қўйдим." Бағрингизга отиламан. Бошимни силайсиз. Ҳеч нарса демайсиз. Куни билан кўча чангитиб юраман. Ҳаллослаб уйга қайтаман. Чангу лой ёпишган кийимларимни ечаман. Уйга кириб, сиз ювиб, дазмоллаб қўйган кийимларимга кўзим тушади.***

Ўйланиб қоламан. Лекин бу ўй бир зумда ёдимдан чиқади. Синглим пилдираб ёнимга келади. Қўлида бир даста райҳон. "Ака, бу сизга», дейди. Ҳидлайман. Нимасидир ёқади. Нимасидир... Нохос райҳонни улоқтираман. Синглим маъюс тортади. Кечқурун онам синглимга уқтираётганини эшитаман: "Аканг кўрғоним, сен бўстоним..." Алламаҳалда бирдан тобим қочади. Ёниб кетаётгандайман гўё, онам мени тиззасига олган. Силкиниб дуо ўқияпти. Кейин билсам, бир ҳафта иситмалаб ётибман. Бир ҳафта онам ухламабди. Бормаган дўхтири, сўрамаган табиби қолмабди. Бир ҳафта синглим пешонамни силаб, доками намлаб худога ёлбориб чиқибди.

Кейин улғайдик. Сўнг тарқалдик. Оқ-ювиб, оқ тараб вояга етказган онамиз олис-олислардан "Тузукмисан, болам" деб ҳар кун сўрайверади. Катта эркакмиз, аммо гоҳида кўзимиз ёшга тўлади. Ҳеч кимга сездирмай, ёстиқни қучоқлаб юм-юм йиғлаб оламиз. Йўқ. Аламдан, армондан эмас. Онамизни соғинганимиз, тиззасига бош қўйгимиз келганидан. Соғинчимиз ичимизга сиғмай кетаётганидан. Ёшимиз ўттиздир, қиркдир, элликдир, олтмишдир — биз ҳамон унинг учун боламиз. Унинг эрка, жону жаҳонидан зиёда, кўзининг оқу қораси, суянган тоғи, умиду ишончи — жигарбанд фарзандимиз.

Бундан бир неча йиллар муқаддам таниқли сураткаш Пенсоннинг "Ўзбек мадоннаси" сувратига кўзим тушган эди. Атлас кўйлакдаги она гўдагини эмизиб турган лаҳза акс этган сuврат. Аёлнинг кулиб турган чеҳраси, кўзларидаги чексиз муҳаббат, лабларидаги абадият учун аталган сўзлар... Очиғи, ана шунда "Жаннат оналар оёғи остидадир", деган ҳадиснинг асл мазмунини тушуниб етдим. Шиддатлар, урушлар, таҳликалар Онани тиз чўктиролмайди. Нима шаккоклик қилса, бошқалар қилади, лекин она эмас. У ҳамиша дунёни қутқариб келади. У ҳамиша малҳам қўяди. У доимо боласини эмизиб Истиқболнинг бешигини тебратади.

Истиқлолимизнинг улкан хонадони бошида ҳам Она турибди. Мамлакатимизнинг улуғвор майдонида Мустақиллик ва эзгулик монументи бор. Шу монумент орасида меҳр-муҳаббат, эътиқод, вафо, садоқат, қатъият ва ирода, ишонч ва умидга йўғрилган Бахтиёр Она ҳайкали ҳаммамизни ҳайратга солади, унсиз қошига чорлайди. Бамисли бу Она — Ўзбекистонимиз, унинг қучоғидаги боласи эса биз — қарийб ўттиз миллионли, янги тарихини олтин варақлар билан тўлдиришга чоғланган халқ тимсоли.

Яқинда ана шу ҳайкал ёнида бир отахонни кўрдим. Қўллари қалтирайди. Нуроний. "Онажон, мендан рози бўлинг", дерди у ҳайкалга термилиб. Билсам, эри билан яккаю ёлғиз фарзандининг ўрнига ўзини "Қатағон" даври чангалига топширган собиқ колхоз раисасининг ўғли экан бу оқсоқол. Исму шарифини сўрадим. Айтмади.

— Менинг исмим йўқ. Онам бор, — дея ҳайкалга ишора қилди у. "Бу кунларнинг қадрига етинг, болам. Онангизни йўқотманг. Авайланг", дейди кўзлари ёниб.

Биз нимаики азиз ва қадрли бўлса, ёнига она сўзини қўшиб айтамиз. Она-Ватан, она замин, она...

Биз нимаики гўзал ва сеҳрли бўлса, уни севимли ёримизга ўхшатамиз. Уни пари деймиз, малак деймиз, фаришта деймиз.

Биз кўнглимизда нимаики илоҳий ҳислар жўш урса, "Худойим, марҳаматингни дариғ тутма", сўнг ортидан: "Онажон", деб қўямиз беихтиёр...

Биз онамиз, сингилларимиз, суюкли ёримиз ва жонимиздан азиз она-Ватанимизсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Уларни жуда-жуда яхши кўрамиз.

Ҳа, Онамсан, синглимсан, ёримсан дейиш нақадар ширин, нақадар тотли, нақадар муҳим.

Зеро, Истиқлолимиз ҳам Она меҳридан барқ уриб яшнаяпти. Аёл қадри, она эъзози қалблар тўридан давлат миқёсидаги ғамхўрликка айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, истиқлол йилларининг бири Аёллар йили деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бугун яхши, қутлуғ, беқиёс кун. Ундан кейин баҳорнинг яна бир туҳфаси Наврўзи оламни кутиб олиб, давра қуриб нишонлаймиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидай, "Баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида, аввало, ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади."

Дарҳақиқат, шундай.

Боримиз сизга садқа. Кўзу қошингиздан, босган изларингиздан ўргилайлик. Ишонамиз, бахтингиз бутун, толеингиз ва иқболингиз порлоқ. Хизматингизга камарбастамиз. Бахтимизга омон бўлинг.

Азиз онажонлар, сингиллар, аёллар, сизга таъзим!

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

***Ўзбекистон Республикасининг Брюсселдаги элчихонасида мамлакатимизда «2008 йил — Ёшлар йили» деб эълон қилинишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Анжуманда Бельгия сиёсий ва жамоат ташкилотлари, Европа Иттифоқи, Европарламент, дипломатия миссиялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Брифинг қатнашчиларига Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жамиятни янада демократлаштириш жараёнлари ва халқ ҳаётидаги кенг ўзгаришлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш, ёш оилалар ва тадбиркорларга кўмак кўрсатиш, шунингдек, фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдодли ёшларни аниқлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича республикада аниқ мақсадли сиёсат олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Брифинг доирасида «Ёшлар йили»га бағишлаб ўзбек киноусталари томонидан суратга олинган «Келажакка интилиб» номли фильм намойиш этилди.

Брюссель Эркин университети профессори Жан Бланкофнинг фикрича, Ўзбекистонда «Ёшлар йили»нинг эълон қилиниши мамлакат раҳбарияти жамиятнинг келгусидаги тараққиётига улкан эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Жан Бланкоф Ўзбекистонда ёшларни турли соҳалар учун юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш, уларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган, чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда, деб ҳисоблайди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларни жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашининг кафолати бўлмоқда.

Европалик профессор ўзбек жамияти «ёш авлодни ҳаётга қатъий ишонч ва теран нигоҳ билан қараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш»дек муҳим вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйганини таъкидлади.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги масалаларни умумдавлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қарайдиган давлатнинг келажаги шубҳасиз, буюкдир, — дея таъкидлади Жан Бланкоф.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

***Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг оила, аёллар ва ёшлар ишлари доимий комиссияси томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, комиссия Ғаллаорол туманидаги Маржонбулоқ шаҳарчаси фуқаролар йиғини, Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини, Самарқанд, Аламли, Олимлар, Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизларнинг, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий, иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш борасидаги ишларни ўрганиб, таҳлил қилиб, тегишли вазифаларни белгилаб олди.***

**Доимий комиссияларда**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Чунончи, яқинда тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман имом-хатиби ҳамда бошқа мутасаддилар иштирок этган тадбирда ана шу таҳлиллар сарҳисоби муҳокама этилди. Таъкидланганидек, бир қатор фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар, ёшлар ўртасида нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида амалий учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилиб, ҳар хил тўгараклар ташкил этилган. Ёш оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор бераётган жамоалар ҳам бор.

Аммо Гулистон, Булоқбоши, Мулкуш, Молтоб қишлоқ фуқаролар йиғинларида маънавий-маърифий ишлар қониқарли эмаслиги йиғилишда рўй-рост айтилди. Жумладан, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Ушбу масалаларга дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорлик сезилмаяпти. Бундай сусткашликлар ортида айрим фуқаролар йиғинлари раҳбар ва мутахассисларининг ўз вазифаларига бефарқлиги, уларнинг аҳоли билан ишлашдаги уқувсизлиги турганлиги кишини ўйлантиради. Шу боис мазкур жамоаларда маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қишлоқ ва маҳаллаларда кичик бизнес, касаначилик фаолиятини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиши белгиланди. Мазкур йиғилишда кўрилган масала шаҳар ва туманлардаги тегишли доимий комиссияларда ўрганилиб, чора-тадбирлар кўриладиган бўлди. Аслида доимий комиссияларнинг ютуғи шунда.

Шунингдек, доимий комиссия муайян тадбирларни амалга ошираяптики, булар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Айниқса, маҳаллалардаги ишсиз ёшлар, ижтимоий фойдали меҳнатга интилган аёллар учун янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилаётир. Ҳокимликлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида кейинги бир йил мобайнида иш сўраб мурожаат этган 8474 нафар хотин-қизнинг 6886 нафари иш билан таъминланди. Улардан 553 нафари касбга ўқитилиб, 686 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. Фақат ўтган йилнинг ўзида салкам 29 минг янги иш ўрни яратилгани, жорий йилнинг ўтган даврида минглаб ёшларнинг меҳнатга жалб этилгани Оила, аёллар ва ёшлар ишлари доимий комиссиясининг мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари билан узвий алоқаси, ҳамкорликдаги фаолияти натижасидир.

— Доимий комиссиянинг йиғилишларидан бирида Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг ижроси муҳокама қилинганди, — дейди "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нодира Каримова. — Агар ҳар йили вилоятда 6-6,5 минг никоҳ қайд этилиши эътиборга олинса, бу тадбирнинг нечоғли масъулиятли эканлигини англаш қийин эмас. Тегишли жамоаларнинг ўзаро ҳамкорлиги эса бу мушкулни осон қилди. 12366 нафар бўлажак келин-куёв вақтида тиббий кўрик ва лаборатория текширувидан ўтди. Энг узоқ, чекка овул ва қишлоқларда кўчма тиббий бригадалар фаолият кўрсатди.

Дарвоқе, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг доимий комиссия ишлаб чиққан тадбирлар режасига ҳамоҳанг тарзда ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозликнинг олдини олиш йўлида ранг-баранг тадбирлар уюштираётгани ҳам эътиборлидир. "Ёшлар йили" муносабати билан Фориш, Зомин, Зарбдор каби туманларда "Қандай яшаяпсан, қизгина?", "Гиёҳвандлик ҳам иллат, ҳам жиноят", "Саломатлигингиз ўз қўлингизда" мавзуларида давра суҳбати ўтказилиб, талаба-ёшларга китобчалар тарқатилди.

**Эътиборли томони, халқ депутатлари вилоят кенгаши доимий комиссиясининг ҳар бир режали ва навбатдан ташқари йиғилиши қарори шаҳар, туман кенгашларидаги тегишли комиссияларда ўрганилиб, ижобий ишлар давом эттирилаяпти. Ташаббуслар изсиз қолмаяпти.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# 586 КГ. ГЕРОИН УШЛАБ ҚОЛИНДИ

***Наркотик моддаларни мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтишга бўлаётган уринишлар сўнгги пайтда кўпайиб бораётгани аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли аҳоли ҳуқуқ-тартибот идораларига наркотик моддаларни олиб ўтишга уринаётган жиноятчиларга қарши курашишда яқиндан ёрдам бермоқда.***

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Янгикент қишлоғи аҳолиси қишлоқда пайдо бўлган шубҳали шахслар ҳақида дарҳол участка нозири Р.Бегимқулов ва аҳоли пункти милиция бошлиғи А.Маҳмудовга хабар беришди. Натижада катта миқдордаги наркотик моддалар ушлаб қолинди.

Шу йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва МХХ идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирлар чоғида Афғонистонда ишлаб чиқарилган, Тожикистондан Сурхондарё вилоятига олиб кирилган ва Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Янгикент аҳоли пункти орқали катта миқдордаги героинни олиб ўтаётган жиноятчилар гуруҳи фош этилди. ЗИЛ-130 юк автомашинасининг махсус жиҳозланган хуфя жойларига яширилган 586 кг.дан ортиқ героин топилди. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273- (наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси) ҳамда 246- (контрабанда) моддалари бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу жиноий ишга алоқадор шахслар гуруҳи, яъни наркотик моддаларни олиб ўтиш ташкилотчилари ва ижрочилари, шунингдек, уларнинг ёрдамчилари қўлга олинди. Ушланганлар ўз айбларига иқрор бўлиб, жиноий ишнинг барча жиҳатларини очишга ёрдамлашувчи кўрсатмалар бермоқдалар.

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Етти йиллик тадқиқот



***АҚШнинг Калифорния университети олимлари Мэтью Котчен ва Лаура Грант етти йил дунё мамлакатларининг ёзги вақтга ўтиши бўйича тадқиқот олиб боришди, деб хабар беради "Дер Шпигель" нашри.***

Олимларнинг илмий хулосаларига кўра, дунё мамлакатларининг ёзги вақтга ўтиши электр манбаининг кўп миқдорда исрофгарчилигига сабаб бўлар экан.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 30 мартидан Европа ва АҚШ мамлакатлари соатлари ёзги вақтга ўтади.

## Муросага келишолмади

***Венесуэла ҳукумати Колумбия билан ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширишни бутунлай тўхтатди.***

"Ассошиэйтед-пресс" хабарига кўра, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви бунга асосий сабаб этиб кўрсатилаётир.

Шу кунгача Венесуэла ва Колумбия ўзаро озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қиларди.

## Рекорд янгиланиб бораяпти



Куни кеча Нью-Йорк савдо марказларида нефтнинг бир баррели 105 долларга етди.

"Франс-пресс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, апрель ойида бу рақам яна ошиши мумкин. Мутахассислар нефтнинг кўтарилиб боришига бир неча сабаблар борлигини маълум қилишди. Масалан, АҚШда ёнилғи захираларининг қисқараётгани, долларнинг кун сайин қадрсизланиши бунинг асосий сабаби этиб кўрсатилмоқда.

## Электр манбаисиз қолди



***Покистоннинг 15 миллионлик аҳолига эга Карачи шаҳри электр манбаисиз қолди.***

"Би-би-си" хабарига кўра, истеъмолчиларнинг давлат энергокомпаниясидан катта миқдордаги қарздорлиги бунга сабаб бўлди. Маълумотларда айтилишича, истеъмолчиларнинг компания олдидаги қарзи 554 миллион АҚШ долларидан ошиб кетган.

## Бағдодда портлаш



***Сўнгги пайтларда Ироқда содир бўлаётган хунрезликлар жиддий тус олмоқда. Куни кеча мамлакат пойтахти Бағдодда кетма-кет икки портлаш амалга оширилди.***

Портлаш оқибатида 55 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 130 нафардан зиёд фуқаро оғир-енгил тан жароҳати олди. Полиция вакиллари портловчи қурилма чиқинди идиши ичига яшириб қўйилганини маълум қилди.

Ироқ ҳукумати вакилларининг сўзларига кўра, террорчилик хуружлари касридан февраль ойида ҳалок бўлганлар январдагига нисбатан уч баравар кўпайган.

## Мактабга ҳужум

**Қуддус шаҳрининг ғарбидаги мактабга террорчилар ҳужум уюштирди.**

**"Ассошиэйтед-пресс" тарқатган хабарга кўра, икки террорчи мактабга кириб, ўқувчиларга қарата ўқ уза бошлаган. Оқибатда саккиз ўқувчи ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар яраланди.**

**Айни пайтда полиция вакиллари бу хунрезликнинг сабабларини ўрганаяпти.**

## «Жюль Верн» космосга чиқади

***Таниқли француз ёзувчиси Жюль Вернниннг «Ердан Ойга» номли асари космосга учирилади.***

"Интерфакс" хабарида айтилишича, китоб Халқаро космик станциядан "Жюль Верн" номли кемада учирилади. Кема бортида жами 7670 кг. маҳсулот жойлашади. Булар 860 кг. ёнилғи, 270 кг. сув, 20 кг. кислород, 500 кг. озиқ-овқат маҳсулоти, 80 кг. кийим-кечак, 136 кг. илмий қурилмалар бўлиши айтилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ

2008 йил — Ёшлар йили

***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган "Камолот" маликаси" республика мусобақаси "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.***



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Стол тенниси бўйича ушбу беллашувда тўрт минг спортчи қиз иштирок этган бўлса, улар орасида ғолиб 56 нафар ёш иқтидор эгаси мусобақанинг финал босқичида қатнашди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент вилояти вакиласи Ойнура Иброҳимова ҳамда пойтахтлик Виктория Шербининалар мусобақа ғолиби бўлишди. Иккинчи ўрин сурхондарёлик Олмахон Бозорова ҳамда пойтахт вилояти вакиласи Нурсулув Имомбоевага насиб этди. Самарқандлик Гулзира Норбўтаева, бухоролик Муаззам Асқаровалар эса учинчи ўрин соҳибаси деб топилди.

Беллашув анъанасига мувофиқ, эндиликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан мусобақанинг якуний босқичида иштирок этиш учун келган ва фаоллик кўрсатган уч нафар иштирокчи туғилиб ўсган қишлоқда "Камолот" теннис клуби очилади. Маълум бўлишича, мазкур клублар Поп, Ҳазорасп ҳамда Қоракўл туманларидаги қишлоқларда фаолият бошлайди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТКнинг КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА ДИРЕКЦИЯСИ**

қуйидаги иншоотда қурилиш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**«Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежида 1200 ўқувчи ўринли 1-ўқув корпуси».**

**Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади.
**Қурилиш муддати** — аванс тўлови олинган санадан бошлаб 5 ой.
**Буюртмачи** — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК.
**Танлов савдолари ташкилотчиси** — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг Капитал қурилиш бўйича дирекцияси.
**Қурилиш ишларини молиялаштириш** — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида қатнашиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг Капитал қурилиш бўйича дирекциясига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй, 413-хона.**
**Телефонлар: 237-97-59, 237-97-73, 138-88-81.**
**Факс: 138-80-89.**

*Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.*
*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 7-уй, 413-хона.*
*Танлов таклифлари қуйидаги манзилда очилади: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК биноси.*
*Конвертлар очилиши куни ҳақида қатнашчиларга қўшимча маълум қилинади.*

***Танлов ҳужжатларининг нархи — ҚҚС билан 120 000 сўм.***

3694/786

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган **очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига** Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 22 ноябрдаги 11-0607/12644-сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Паркент ИКМК» ОАЖга тегишли, Паркент тумани, Ёшлик қўрғонида жойлашган, 1983 йилда қурилган, 2 қаватли, умумий майдони 720 кв.м. бўлган маъмурий бино ҳамда 1985 йилда қурилган, умумий майдони 781 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехидан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 75 381 291 сўм.*

**Аукцион савдоси 2008 йил 8 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси. 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

**Гувоҳнома DB 001 № 000004.**

## Парҳез таомга марҳамат

**Сўнгги вақтларда Бекобод туманида бошқа соҳалар қатори паррандачилик ва балиқчиликни ҳам ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

**Яхши хабар**

Жумладан, жорий йил кўкламида паррандачиликка ихтисослаштирилган иккита янги фермер хўжалиги ташкил этиш ва уларда боқиш учун 20 минг бош товуқ сотиб олиш чоралари кўрилмоқда. Фуқаро И.Эргашевга ажратилган 240 гектарлик ботқоқ майдонда эса ҳозирнинг ўзидаёқ "Чиноз" балиқчилик хўжалигидан келтирилган 40 мингдан ортиқ чавақ ўстирилаяпти.

Бундай хайрли ишлар эл-юрт дастурхонини сархил маҳсулотлар билан бойитиш учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

*Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.*

**«Ишонч телефонлари» рақамлари:**

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-371) 233-22-33, (8-371) 233-39-39 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) 222-56-76 |
| Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси | (8-371) 232-03-30 |
| Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-374) 224-87-50 |
| Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-365) 224-64-86 |
| Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-372) 226-03-02 |
| Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-436) 223-06-71 |
| Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-369) 226-60-55 |
| Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-366) 233-00-00 |
| Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-367) 225-33-30 |
| Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-376) 227-25-51 |
| Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 264-18-32 |
| Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-373) 224-29-08 |
| Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-362) 226-37-10 |
| Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-375) 221-82-45 |
| Транспорт Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 252-61-39 |





MIKROKREDITBANK

# «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*азиз ва муътабар аёлларимизни*

*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*

*муносабати билан самимий муборакбод этади!*

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик, бир сўз билан айтганда, кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларга, ёш оилаларга бошланғич сармояни шакллантириш, айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратади.



**ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН**

**«Микрокредитбанк» пластик карточкалари:**

— маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компанияларида ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек, савдо шохобчаларидан маҳсулотлар харид қилишда қулай тўлов воситасидир;

— сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади;

— сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.

**Пластик карточкалардаги пулларингиз, худди жамғармага қўйилганидек, тўпланади ва кўпая боради. Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин. Пластик карточкалар йўқолган тақдирда, қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.**



**«МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

*Хизматлар лицензияланган.*

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 273-28-11, 273-04-40, 273-33-25.
Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

331Н/407



ЛУКОЙЛ

Ўзбекистон хотин-қизларини
**8 март** байрами
билан **табриклаймиз!**

Барчага бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик
ва фаровонлик тилаймиз!

322Н/188

# O`ZSANOATQURILISHBANK

**_Тизимда катта тажрибага эга «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунда жамоанинг бутун фаолияти омонатчилар, мижоз ва акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, иқтисодиётда бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилгани муҳим омил бўлаётир._**

**_Мустақил аудиторларнинг хулосаларида қайд этилишича, банкнинг молиявий ҳолатини унинг фаолияти натижалари ва пул маблағларининг ҳаракати ишончли тарзда акс эттириб турибди. Яқинда «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, мамлакатимиздаги мавжуд барча тижорат банклари ичида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг кредит қобилияти энг юқори даражада, деб топилганлиги фикримизнинг исботидир._**



## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# ҲАМКОР, МАДАДКОР, ЕЛКАДОШ

Ҳозирги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» 48 та филиал, 92 та мини банк, 189 та жамғарма кассасига эга йирик молия муассасаси ҳисобланади. Улар юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳар минтақавий филиали эса ушбу банк тизимида алоҳида ўрин тутади. Минтақавий филиалнинг ўтган йилги даромади аввалги йилдагига нисбатан анча салмоқли бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Ана шу фойдага яраша банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами ҳам кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш, инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва капитал қўйилмалари билан шуғулланиш, депозит ва омонат, ҳисоб-китоб-касса, факторинг ва конверсия операцияларини амалга ошириш, лизинг, инкасса ва консалтинг хизматлари шулар сирасига киради. Энг муҳими, буларнинг барчаси банкнинг мижозлари учун жозибадор ва қулай молия муассасаси бўлишини таъминламоқда.

— Бугунги рақобат шароитида банк ўзининг ривожланиш стратегиясига қатъий риоя қилиши, молия бозорида, иқтисодиёт соҳаси ва тадбиркорлик ҳаракатида рўй бераётган янгиликларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди ушбу минтақавий филиал раҳбари ўринбосари Омон Мусаев. — Шу маънода, бизнинг асосий стратегик мақсадимиз ривожланишнинг янада сифатли босқичига чиқиш ҳисобига банк бозорида фаол иштирокимизни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

**_• «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали кредити аҳоли иқтисодий имкониятининг янада ошишига хизмат қилмоқда;_**

**_• Минтақавий филиал томонидан 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 16,3 млрд. сўмлик кредит ажратилди;_**

**_• 231 оилага 4,0 млрд. сўмлик кредит берилди;_**

**_• 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 196335 дона пластик карточка эмиссия қилинди._**

Дарҳақиқат, молия тизими жадал тараққий этаётган ҳозирги кунда банк узоқ йиллардан буён бенуқсон фаолият кўрсатиб келаётганлигининг боиси ҳам шунда. Қолаверса, бу кўп жиҳатдан банкнинг бизнес-режа асосида иш юритиш тамойиллари тўғри танлангани, ҳар бир юмушда замонавий технологияларга таянилаётганини кўрсатади. Айнан янги технологияларнинг жорий қилиниши, турли маркетинг дастурлари ишлаб чиқилиши молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар ишончли ва кафолатли бўлишини таъминламоқда. Республика «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, шубҳасиз, ана шундай сифатларга лойиқ банкдир. Шу боис ўтган йил давомида у кўплаб ижобий ишларни амалга оширди. Албатта, бунда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга доир Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Банк филиаллари бўйича 2007 йилда 18860 нафар мижозга сифатли банк хизмати кўрсатилди. Умумий активлар 225,4 миллиард сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 16,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Шунинг эвазига қарийб 200 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 720 миллион сўмлик турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Яна шуни ҳам айтиш кераки, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш масаласи ҳам минтақавий филиал диққат марказида турибди. Янги омонатчиларни жалб этиш механизми унинг фоиз ставкаси миқдори билан ўлчанмоқда. Яъни, у қанчалик юқори бўлса, ўз жамғармаларини банкда сақлаш ва кўпайтиришни истайдиган мижозлар сони ҳам шунчалик ортиб бораверади. Айни пайтда банк томонидан пластик карточкалар бўйича иш ҳақи тўлашни жорий этиш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда жорий йил бошигача жами 1012 нафар мижоз билан шартномалар тузилди. Умуман, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 196335 дона пластик карточка эмиссия қилиниб, 679 дона терминал ўрнатилди.

Тошкент шаҳар минтақавий филиали қўлга киритаётган ютуқлар фақат шулардангина иборат эмас. Мисол учун, банк томонидан ажратилаётган кредитларни олиб кўрайлик. У мижозлар иқтисодий имкониятининг ошишига хизмат қилмоқда. Тасаввурингиз янада ойдинлашиши учун қуйидаги далилни келтирамиз. Минтақавий филиал ўтган йили Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, 231 оилага 4,0 миллиард сўмлик кредит берди. Бу дегани — шунча оилага шоду ҳуррамлик, файзу барака олиб кирилди.

— Ёшим йигирма тўққизда. Оила қурганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Биласизми, янги ҳаётни бошлаган оила учун уй-жой масаласи муаммо бўлса, қийин аҳволга тушарсансиз, — дейди Ихтиёр Омонов. — Бахтимизга Президентимизнинг Фармони жонимизга оро кирди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Шайхонтоҳур филиалидан 25 миллион сўмлик кредит олиб, шунинг эвазига уч хонали уй сотиб олдик. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Бинобарин, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самарасидир. Албатта, кўзни қувонтирувчи бундай рақаму далиллар киши кўнглини кўтаради. Бундай улуғвор ишларни кузата туриб, «Мустақиллик — улуғ неъмат!» деган доно ибора шунчаки шиор эмаслигига яна бир карра амин бўласан, киши.

Ўзингиз ўйланг: «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг биргина ушбу минтақавий филиали томонидан 2007 йилда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 3 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Шунинг ҳисобига юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Шундай экан, ҳукуматимизнинг инсонпарвар сиёсатига ишонч юракларда минг чандон ошмайдими?

— Келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар кўлами жуда кенг, — дейди Омон Мусаев сўзини давом эттириб. — Негаки, ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Эришилган натижалар билан кифояланиб қолмаслигимиз, аксинча, хизмат кўрсатиш даражасини, шу билан бирга, аҳоли ва корхоналарнинг банкимизга бўлган ишончини янада ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш соҳасидаги ишларимизни ҳар қачонгидан ҳам фаоллаштиришимиз лозим. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ҳам бир талай ишларни амалга оширишимиз жоиз.

Ҳақ гап. Бугунги кун, ҳозирги давр талаби айни шуни тақозо этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши «Ўзсаноатқурилишбанк» зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Шуни ҳисобга олиб, мазкур банк ёшларни, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида уларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдорини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб бораверади. Зеро, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ташаббускор, аҳил ва фидойи жамоаси барча мижозлар учун ишончли ҳамкор, доимий мададкордир.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» матбуот хизмати.**

---

**_Қангликўллик Ўринбой Бекниязов ҳар куни ишга борар экан, қишлоқ марказидаги эски ҳаммомнинг эгасиз қолганига куюнарди. Бир пайтлар қанча-қанча маблағ эвазига қад ростлаган ушбу бино, неча йилдирки, ҳувиллаб ётибди. Ваҳоланки, овулдошларининг аксарияти ҳаммом излаб туман марказига қатнайди. Наҳотки, уни ишга тушириш мумкин эмас? Ўринбой «Пахтабанк»нинг туман бўлимига бориб, мақсадини баён этганда, ходимлар тадбиркорни қўллаб-қувватлашди: ҳаммомни таъмирлаш ва ишга тушириш учун 3 миллион сўм кредит ажратишди. Қисқа фурсатда яхшилаб таъмирдан чиқарилган, одамларга хизмат қилаётган ҳаммом бугун овул кўркига-кўрк қўшиб турибди._**

# БАРАКА — ҲАРАКАТДА

Шу тумандаги Бескўпир қишлоғида яшовчи Саломат Бекмуратов ҳам бу ташаббусдан руҳланиб, қишлоғидаги эски ҳаммомни таъмирдан чиқариб, фойдаланишга топширди. Уни ҳам маблағ масаласида «Пахта банк»нинг туман бўлими қўллаб-қувватлади.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»инининг Қангликўл тумани бўлими ўтган 2007 йил давомида турли мақсадларга 846,9 миллион сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратди. Жумладан, фермер хўжаликларига пахта ҳосили учун 645,2 миллион сўм, ғалла учун 117,7 миллион сўм маблағлар йўналтирилди. Шу билан бирга, банкнинг молиявий мадади туфайли «Асал-Лаззат» хусусий корхонаси, «Рустам-Ботир» кичик корхонаси, ҳар хил обинонлар тайёрлайдиган новвойхона қангликўлликларга хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, банкдан 5 миллион сўм кредит олган тайёрлов корхонаси деҳқон бозорини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўкин қилмоқда.

— Жамоамиз томонидан ўтган йили фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун жами 3 миллиард 278 миллион сўмлик кредитлар ажратилди, — дейди акциядорлик тижорат «Пахтабанк»инининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Бердақ Сапаров. — Бу аввалги йилдагига нисбатан деярли 3 миллиард сўм кўпдир.



Жумладан, ушбу кредитлар эвазига фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан 554 миллион сўмга Германияда ишлаб чиқарилган 4 дона «Клас-Доминатор-130» комбайни, 85 миллион сўмга «Енисей» комбайни, 399,3 миллион сўмга 25 та «ВТ-150» трактори, 1159,2 миллион сўмга 56 та «ТТЗ-80» трактори, 547,8 миллион сўмга 21 та «МТЗ-80» трактори, 57,4 миллион сўмга 16 та ОВХ пуркагичи, 51,0 миллион сўмга бошқа техника воситалари ва 253,3 миллион сўмга эҳтиёт қисмлар харид қилинди.

Бундан ташқари, банк кўмагида «Тошкент трактор заводи» очиқ турдаги акционерлик жамияти билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида «ТТЗ» русумли тракторларни бевосита етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши таъминланди. Пировардида мазкур шартномалар банкнинг ўз маблағи эвазига берилган кредитлар орқали молиялаштирилди.

2006-2007 йилларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «ЎзАгроМинитехЭкспо» кўргазмаларида қатнашган фермерларга 17 дона «Беларусь» трактори сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар асосида 449,2 миллион сўмлик кредитлар ажратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Банк жамоаси бундан буён ҳам кредитлар ажратиш, хизматлар кўламини кенгайтириш, фермерларга яқиндан ёрдам бериш, мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган вазифаларини изчил амалга ошираверади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

---

# «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Тижорат банкларидаги омонатларга пул қўювчи жисмоний шахсларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидаги маблағларининг сир сақланишини ишончли кафолатлаш мақсадида 2008 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.**

**Мазкур Фармонга асосан, депозит ҳисобварақларига, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини қўйиш истагида бўлган жисмоний шахслар исталган тижорат банкига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Фармон талаблари ижросини таъминлаш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банкларида «Ишонч телефонлари» ташкил этилди. Фуқаролар омонат масаласида бирор муаммога дуч келадиган бўлса, ҳафтанинг иш кунларида соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат этишлари мумкин.**

**Республика Марказий банкида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари:**
**212-61-35, 212-61-34, 212-61-56, 212-62-12.**

**Тижорат банкларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари**

| № | Банк номи | «Ишонч телефони» рақами |
|---|---|---|
| 1. | ТИФ миллий банки | 235-42-83, 234-12-84, 234-12-99, 234-10-91 |
| 2. | «Микрокредитбанк» | 273-28-12, 273-43-11 |
| 3. | «Савдогарбанк» | 281-30-29 |
| 4. | «Туронбанк» | 141-32-32 |
| 5. | «Алоқабанк» | 252- 78-86 |
| 6. | «Ипотекабанк» | 150-89-55 |
| 7. | «Асака» банки | 120-82-88 |
| 8. | Халқ банки | 273-89-44, 150-13-15, 150-13-37, 150-12-84 |
| 9. | «Пахтабанк» | 150-53-59, 150-85-15 |
| 10. | «Ўзсаноатқурилишбанк» | 236-74-47, 120-45-24 |
| 11. | «Ғаллабанк» | 236-74-30 |
| 12. | «Ҳамкорбанк» | (8 374) 224-76-23 |
| 13. | «АБН Амро банк Ўзбекистон МБ, ХЖ» | 120-61-41 |
| 14. | «Парвинабанк» | (8-366) 231-05-07 |
| 15. | «ЎТбанк» | 273-83-24 |
| 16 | «ЎзКДБ банк» | 120-80-00 |
| 17. | Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки | 140-16-52 |
| 18. | «Самарқандбанк» | (8-366) 233-69-75, 233-41-74 |
| 19. | «Универсалбанк» | (8-373) 552-43-59 |
| 20. | «Равнақбанк» | 120-96-55 |
| 21. | «Кредит-Стандарт» банки | 140-12-00, 140-12-05 |
| 22. | «Ипак Йўли» банки | 120-38-71 |
| 23. | «Капиталбанк» | 113-01-31 |
| 24. | «Алп Жамол банк» | 212-16-00 |
| 25. | «Трастбанк» | 139-36-38 |
| 26. | «Туркистонбанк» | 236-01-28, 232-09-34 |
| 27. | «InFinBank» | 140-50-60 |
| 28. | «Ўктамбанк» | (8-375) 227-58-95 |
| 29. | «Даврбанк» | 144-90-42, 236-76-12 |

Товар сертифицирован
ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки
Для
ВОДОСНАБЖЕНИЯ
ГАЗОСНАБЖЕНИЯ
КАНАЛИЗАЦИИ
КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.
Форма оплаты — безналичный расчет.
Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 3682525
E-mail: trubs_uz@mail.ru

«AKTIV-INVEST» кредит уюшмаси
атиги 5000 сўм эвазига пайчи бўлишга таклиф этади.
Омонатлар (депозитлар)ни қабул қиламиз:
1 йилдан 2 йилгача муддатга, йиллик 46%, фоизлар шартнома муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади;
3 ойдан 1 йилгача муддатга, йиллик 36%, фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Гаровга кредит берамиз.
Тел./факс: 235-57-25, 234-94-38, 234-73-99.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 46-лицензияси.

*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг бош ҳисобчиси Ўлмасой Нарбаевага отаси **Халлыбек НАРБАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси девонхона иш юритувчиси Нилуфар Норматовага отаси **Шоасқар ШОИКРОМОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Микробиология институти жамоаси институт катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Адолат Ўриновага онаси **Саида ЎРИНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

